

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

# FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

## Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир  
Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)  
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)  
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)  
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Турция)  
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR (Япония)  
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)  
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)  
КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)  
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)  
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)  
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)  
ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)  
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

## Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)  
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)  
ҮРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)  
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)  
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)  
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)  
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)  
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)  
ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)  
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)  
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСАФАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)  
ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)  
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)  
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)  
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)  
ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)  
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)  
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)  
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)  
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)  
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)  
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)  
ҮРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)  
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)  
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)  
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)  
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)  
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)  
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)  
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

**Муҳаррирлар:**  
Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
Шералиева Ж.

**Таҳририят манзили:**  
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-үй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Фарғона,  
2021.

---

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

### **3.Пардаева**

Кредит-модуль таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил қилиш модели .....	94
<b>Х.Жўраев, З.Раҳимов</b>	
Фурқат ижодининг ўзига хос хусусиятлари .....	103
<b>Х.Шарафиддинов</b>	
Қоғиянинг функционал ва структурал эволюцияси .....	106
<b>Г.Муҳаммаджонова</b>	
Ижод психологизмининг бадиий талқини.....	110
<b>Я.Нишанов</b>	
Америка адабиёти тарихи: "Ва қуёш чиқмоқда" романидаги йўқотилган авлод.....	114
<b>А.Махмудов</b>	
Олмон адабиётшунослигига Шарқ мавзуси ва унинг эстетик роли .....	119

## ТИЛШУНОСЛИК

### **А.Мамажонов, М.Мамажонов, Б.Полвонова**

Тилшуносликда вариантилилк масаласи ва унинг бошқа ҳодисалар билин муносабати .....	124
<b>С.Мўминов, А.Юлдашев</b>	
Сўз илмий талқинига бир назар .....	130
<b>М.Зокиров, Ф.Исомиддинов</b>	
Билингв нутқида фонетик интерференциянинг намоён бўлиши хусусида .....	134
<b>Н.Умарова, О.Холматова</b>	
Мақол ва матал тушунчаси, мақоллар семантикаси хусусида .....	139
<b>Г.Розикова, М.Курбонова</b>	
Чўлпон ва Бехбудий асарларида окказионал бирликларнинг қўлланилиши.....	143
<b>Х.Сотвалдиева</b>	
Инглиз тилини хорижий тил сифатида ўқитишда мақоллардан фойдаланиш .....	147
<b>Ш.Кахарова</b>	
Ўқитувчи мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари .....	151
<b>Р.Абдуллаева</b>	
Дунёнинг лисоний мақол манзарасида одамга эстетик баҳони ўрганиш муаммолари .....	155
<b>Г.Мамаджанова</b>	
Лингвокультуре маларнинг фрейм тақдимотлари параметрлари .....	159

## ПЕДАГОГИКА

### **Т.Эгамбердиева**

Талабаларда интеллектуал маданиятни ривожлантиришнинг педагогик таҳтили ва талқини .....	164
<b>Х.Ибраимов, К.Тоджибаева</b>	
Бўлажак тарбиячи ва бошланғич синф ўқитувчиларида инклузив компетентликни ривожлантириш ижтимоий зарурат сифатида .....	170

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

### **М.Хакимов, Ш.Умурзакова**

Озиқ-овқат микробиологияси ва биотехнологияси фанини ўқитишининг назарий масалалари ва мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.....	174
--	-----

### **Н.Валиева**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида Дин ишлари бўйича қўмитанинг ташкил этилиши омиллари.....	179
--	-----

### **М.Расулов**

Ўзбекистон тарихини ўрганишда маданий мерос объектларининг ўрни .....	182
---	-----

### **Ф.Каримова**

Ўзбек халқ лирикасида олов аналогларининг бадиий вазифаси .....	186
---	-----

**БЎЛАЖАК ТАРБИЯЧИ ВА БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА ИНКЛЮЗИВ  
КОМПЕТЕНТЛИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТ СИФАТИДА**

**РАЗВИТИЕ ИНКЛЮЗИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ ВОСПИТАТЕЛЕЙ И  
УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЫ КАК СОЦИАЛЬНАЯ ПОТРЕБНОСТЬ**

**DEVELOPMENT OF INCLUSIVE COMPETENCE  
IN FUTURE EDUCATORS AND PRIMARY SCHOOL TEACHERS AS  
A SOCIAL NEED**

**Ибраимов Холбай Ибрагимович<sup>1</sup>, Тоджибаева Комила Собит қизи<sup>2</sup>**

**<sup>1</sup>Ибраимов Холбай Ибрагимович**

—Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, педагогика ва психология кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори

**<sup>2</sup>Тоджибаева Комила Собит қизи**

—Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти докторанти.

**Аннотация**

Мақолада республикамиз мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим муассасаларида инклюзив таълимни ташкил этишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари, бу борадаги мавжуд муаммолар ҳамда бўлажак педагог ва тарбиячиларнинг инклюзив компетентлигини ривожлантириш борасида муаллифнинг билдирган таклифлари ҳақида сўз боради.

**Аннотация**

В статье описаны нормативно-правовые основы организации инклюзивного образования в дошкольных и средних общеобразовательных учреждениях нашей республики, рассматриваются существующие проблемы в этой сфере и приводятся предложения авторов по развитию инклюзивной компетентности будущих педагогов и воспитателей.

**Annotation**

The article describes the regulatory framework for the organization of inclusive education in preschool and general secondary educational institutions in our republic, examines the existing problems in this area and provides the author's proposals for the development of inclusive competence of future teachers and educators.

**Таянч сўз ва иборалар:** инклюзив таълим, инклюзив компетентлик, эксклюзия, сегрегация, интеграция, инклюзия.

**Ключевые слова и выражения:** инклюзивное образование, инклюзивная компетенция, эксклюзия, сегрегация, интеграция, инклюзия.

**Key words and expressions:** inclusive education, inclusive competence, exclusion, segregation, integration, inclusion.

Ўзбекистон Республикасида ногирон болалар билан боғлиқ таҳлил ва дастлабки баҳолаш ишлари 1966 йилда бошланган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 250 минг нафарга яқин турли қўринишдаги ногирон бола (16 ёшгача) таълим олиш эҳтиёжига эга. Ногирон болалар учун таълим билан бирга маҳсус хизматлар ташкил этиш лозим. Мана шуларни ўз ичига жамлаган таълим – инклюзив таълим, деб номланади. Инклюзив таълимнинг мақсади — алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ўқувчилар учун мактабда маҳсус восита ва методларни кўллаш орқали маҳсус педагогларни жалб этган ҳолда тўсиқсиз мослаштирилган таълим мухитини яратиш, уларнинг жамиятга самарали мослашуви ҳамда тўлақонли ўйғунлашувига хизмат

қиласиган сифатли умумий ўрта таълим беришни таъминлашдан иборат.

Мактаблар алоҳида таълим олиш эҳтиёжи бўлган болалар ва уларнинг ота-оналарига коррекцион педагогик ёрдам олишида ва қасбга йўналтиришда ҳар томонлама ёрдам кўрсатади.

**“Инклюзив таълим”** тушунчаси адабиётларда турлича талқин қилинади: «Инклюзив таълим – инглизча (inclusive, inclusion) сўздан олинган бўлиб, ўйғунлашмоқ, ўйғунлаштирилган, ўзига тортувчи, қамраб олувчи маъноларини англатади [1]. Лотинчада эса (include) қамраб оламан, жалб қиласиган маъносини, яъни ногиронлиги бўлган ва оддий болалар ўртасидаги тўсиқларни бартараф этишни назарда тутади. Инклюзив таълим

## ПЕДАГОГИКА

барча мамлакатларда давлат сиёсати даражасига кўтарилиган масалалардан биридир.

Бизнингча, инклузив таълим – бу, барча ўқувчилар (тарбияланувчилар) учун маҳсус таълим эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларнинг фарқлилигини инобатга олган ҳолда таълим муассасаларида илм олишда тенг хуқуқлиликни таъминлашdir.

Инклузивлик тамойили таълимда имкониятлари чекланган болалар ижобий руҳий ва ижтимоий ривожланишига эга бўлишлари учун оиласда яшашлари ва ўз тенгдошлари билан бирга оддий мактабда билим олишлари лозимлигини назарда тутади. Инклузив таълим тизими ногиронлар аравачасидаги бола яқин атрофда жойлашган ҳар қандай мактабда таълим олиши, ўзлаштиришда қийналаётган бўлса, ўқиш ва ёзишга ўрганиш учун маҳсус ёрдамга эга бўлиши, дарсларга қатнамай қўйган болага эса мактабга қайтиш учун тегишли ёрдам кўрсатилишини кафолатлади.

Ота-оналар ва мутахассис педагоглар инклузив таълимни нафақат исталган таълим муассасаси учун очик эшик сифатида, балки таълим самарадорлиги натижаси учун масъулият сифатида ҳам баҳолашларини истар эдик. Бунда таълим самарадорлиги тақдим этилаётган инклузив хизмат турларининг алоҳида ёрдамга муҳтоҷ болалар эҳтиёжларига мослиги билан ўлчанади.

Узлуксиз таълим тизимида инклузив таълимнинг назарий жиҳатларини асослаш ва амалиётга татбиқ этиш ҳам педагогика фани олдида турган долзарб муаммолардан саналади. Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасида мактабгача таълим ташкилотларининг турлари санаб ўтилган бўлиб, улар қуидагилардир [2]:

- умумий турдаги мактабгача таълим ташкилоти;
- кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти;
- инклузив гурухларга эга мактабгача таълим ташкилоти;
- қўшма турдаги мактабгача таълим ташкилоти.

Инклузив гурухларга эга мактабгача таълим ташкилотида болаларнинг алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, уларни соғлом муҳитга уйғулаштириш орқали таълим ва тарбия олишлари учун тенг имкониятлар яратилади.

Қўшма турдаги мактабгача таълим ташкилотида ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган болаларнинг ва ривожланишида нуқсонлари бўлмаган болаларнинг битта ташкилотда алоҳида гурухларда, шунингдек, инклузив гурухларда биргалиқда ўқишини ҳамда тарбияланишини ташкил этишга қаратилган мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури амалга оширилиши таъминланади [3].

Болаларга, шу жумладан, ўзига хос эҳтиёжлари бор болаларга якка тартибда таълим дастурларидан фойдаланиш, шунингдек, ўз вақтида инклузив мактабгача таълим ва тарбия олиш имконини берадиган қулай муҳит яратиш мактабгача таълим ташкилотининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади [4].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4860 сонли “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълимтарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан 2020-2025-йилларда ҳалқ таълими тизимида инклузив таълимни ривожлантириш концепцияси ҳамда 2020-2025-йилларда ҳалқ таълими тизимида инклузив таълимни ривожлантириш концепциясини 2020-2021-йилларда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди [5].

Шунингдек, қарорда 2021/2022 ўкув иилидан бошлаб тажриба-синов тариқасида:

- шаҳарларда ҳамда Тошкент шаҳрининг туманларида жойлашган биттадан умумтаълим мактабида инклузив таълим тизимини жорий қилиш;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жойлашган биттадан умумтаълим мактабида алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун бошлангич таянч коррекцион синфларни очиш;
- Қашқадарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларида жойлашган биттадан касб-хунар мактабида ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг 9-синф битиравчилари ҳамда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган гурухларни ташкил этиш;
- инклузив таълим тизимини жорий қилиш, бошлангич таянч коррекцион синфларни очиш ва ихтисослаштирилган гурухларни ташкил этиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда ижобий тажрибани республиканинг бошқа ҳудудларига босқичмабосқич татбиқ этиш [7] вазифалари белгилаб берилган.

Ушбу қарор таълим тизими олдида турган бир қатор муаммоларга ечим топиш мажбуриятини кўндаланг қўяди. Ушбу муаммолар қўидагилар:

1. Инклузив таълим тизими соҳасидаги норматив базанинг саёзлиги.

2. Инклузив таълим тизими учун малакали педагог кадрларни тайёрлаш ва уларнинг инклузив компетентлигини узлуксиз ривожлантириб бориш заруриятининг юқорилиги;

3. Мактабгача таълим ташкилотлари, умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим, профессионал таълим, олий таълим тизимида инклузив таълим беришнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш муаммоси.

3. Инклузив таълим жорий этилган муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш эҳтиёжининг юқорилиги.

4. Инклузив таълим муассасаларида ўқитувчи ва тарбиячилар учун зарур адабиётлар, методик қўлланмаларнинг етарли эмаслиги.

5. Хавфсиз инклузив таълим мұхитининг етарли даражада таъминланиши борасидаги муаммолар ва ҳ.к.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш ҳар бир алоҳида ёрдамга мұхтож боланинг таълимни, тарбияси, ривожланиши, ижтимоийлашуви жараёнини муваффақиятли ўтишига замин яратади. Ушбу муаммолар ичida мутахassis тайёрлаш муаммоси ҳам борки, бу муаммони ҳал этиш жуда кўп вақт ва куч сарфланишини талаб қиласди. Чунки таълим тизими айнан инсон омили туфайли ҳаракатга келади ва ривожланади ёки, аксинча, инқирозга юз тутади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йил 30 сентябрда Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан ўтказилган тадбирда сўзлаган нутқида кадрлар масаласига тўхталар экан, “Бугун биз яшаётган жамиятга янги фикр, янги ғоя, энг мұхими, ислоҳотларни амалга оширишга қодир бўлган янги авлод кадрлари керак. Ҳар куни сени нима қийнайди, деб сўрашса, ҳеч иккиланмасдан кадрлар қийнайди, кадрлар захираси қийнайди, деб жавоб бераман”, дея таъкидлайди.

Инклузив таълимни амалиётга жорий этиш ўз-ўзидан педагоглар ва тарбиячилар фаолиятига қўйиладиган талабнинг ортишини, уларнинг функционал мажбуриятлари кўпайишини ва профессионал малакалари кенгайиши эҳтиёжини келтириб чиқаради. Анъанавий билим ва малакаларнинг ўзигина бу таълим турида етарли эмас. Алоҳида ёрдамга мұхтож болалар билан ишлаш педагог

ва тарбиячилардан маҳсус профессионал компетенция, яъни инклузив компетентликни талаб қиласди.

Педагог ва тарбиячиларнинг касбий компетентлиги муаммоси кўпгина тадқиқотлар предметига айланган. Масалан, россиялик олима Н.В.Кузьминанинг тадқиқотларида педагогнинг касбий компетентлиги компонентлари методик компетентлик, педагогик-психологик компетентлик ва аутопсихологик компетентлик ва ижтимоий компетентликдан иборат, деб санаб ўтилган. Олиманинг самарадорлиги юқори ва самарадорлиги суст бўлган педагог ҳақида билдирган мулоҳазалари дикқатга сазовор. Ушбу фарқ, энг аввало, таълим олувчиларнинг берилган материални ўзлаштириш жараёнидаги ўзига хосликларини ҳисобга олиши, улар фаолиятидаги индивидуал фарқларни кўра олиш қобилятида сезилади [6] дея келтириб ўтган.

А.К.Маркованинг таъкидлашича, компетентли педагог ўз касбий фаолиятини юқори даражада йўлга қўйган, самаравали педагогик мулоҳотга кириша оладиган, таълим ва тарбия жараёнида юқори самарадорликни намоён қилиб, шахс ва профессионал сифатида шаклланувчи мутахассисдир. А.К.Маркова педагоглар компетенциясининг бир неча турларини ажратиб кўрсатди: шахсий, ижтимоий, индивидуал, маҳсус. Олимнинг фикрига кўра, ўқитувчининг касбий компетентлиги касбий педагогик позиция, касбий билим ва кўникмалар, шахсий хусусиятлар кабиларни ўз ичига қамраб олади [7].

О.С.Бородина [8] ўз тадқиқотларида ўқитувчининг инклузив компетентлиги инклузив амалиётни жорий этишга ёрдам берувчи, самаравали касбий фаолиятни таъминловчи шахсий-интегратив таълим маҳсулни, дея таъриф беради. Ушбу компетентлик тури эса бўлажак педагогларни тайёрлаш жараёнида, яъни инклузив таълим мұхитида ишлашга тўғри келган вақтдан анча аввал шакллантирилмоғи лозимлигини таъкидлайди.

О.А.Козирева [9] инклузив компетентликни имконияти чекланган ва ногирон болаларнинг таълимий эҳтиёжларини қондириш учун зарур шароитлар яратишга ёрдам берувчи; инклузив таълим мұхитини моделлаштирувчи; имконияти чекланган ва ногирон болалар ўқитиш муаммоларини ҳал этишга ёрдам берадиган метод ва технологияларни қўллаш; ўз-ўзини ривожлантириш траекториясини лойиҳалашга

## ПЕДАГОГИКА

имкон берувчи педагогик қобилиялар йиғиндиси сифатида таърифлайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, инклюзив компетентликни шакллантириш учун педагог қуидаги мұхим сифатларга ега бўлиши лозим: эмпатия, рефлексия, мобиллик ва мослашувчанлик, ҳамкорлик қобилияти, таълим олувлар өхтиёжларига нисбатан сенситивлик, мулоқотчанлик, ўз-ўзини бошқара олиш кўникмаси ва бошқалар.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, мактабгача ва умумий ўрта таълим мактаби тарбиячи ва педагог кадрларида инклюзив компетентликни шакллантириш мураккаб, узлуксиз ва тизимли жараён бўлиб, қуидаги тавсиялар инклюзив таълим мұхитида ишлай оладиган замонавий кадрларни тайёрлашда ҳисобга олинишини истар эдик.

1. Инклюзив таълимни жорий этишда узвийлик ва ўзаро алоқадорлик тамойилларига риоя этиш;

2. Инклюзив таълим муаммоси нафақат бўлажак дефектолог мутахассислар, балки бўлажак бошланғич таълим, мактабгача таълим йўналиши педагог-тарбиячилари тўқнаш келиши тайин бўлган муаммо ҳисобланар экан (чунки бугун бошланғич

таълим, мактабгача таълим факультетларида олий педагогик таълимни олаётган талабалар, ўқишини тамомлаб инклюзив синф раҳбарлари ёки инклюзив гурух тарбиячилари бўлиб фаолият олиб боришларини унитмаслигимиз лозим) ушбу йўналишлар ўқув режасидаги педагогик туркум фанлар мазмунига инклюзив таълим мазмунини сингдириш лозим.

3. Инклюзив таълим беришнинг замонавий назарияларини таълим амалиётига сингдириш, бўлажак бошланғич таълим, мактабгача таълим педагог-тарбиячиларига таълим беришда шахсга йўналтирилган ёндашувлар асосларини эгаллашга шароит яратиш.

4. Инклюзив таълим тизими жорий қилинган умумтаълим муассасаларига тютор (ёрдамчи педагог ходим) сифатида олий таълим муассасаларининг бошланғич таълим, мактабгача таълим йўналишидаги юқори курс талабаларини педагогик амалиёт даврида ихтиёрийлик асосида жалб қилиш.

5. Педагог ва тарбиячилар учун алоҳида ёрдамга мұхтож болаларга хавфсиз инклюзив таълим мұхитини яратишга ёрдам берувчи педагогик, психологик, методик типдаги адабиётлар, қўлланмалар, тавсия ва дастурларни ишлаб чиқиш лозим.

### Адабиётлар:

- [1. <https://lex.uz/docs/-5013007>](https://lex.uz/docs/-5013007)
- [2. \[https://en.wikipedia.org/wiki/Inclusion\\\_\\(education\\)\]\(https://en.wikipedia.org/wiki/Inclusion\_\(education\)\)](https://en.wikipedia.org/wiki/Inclusion_(education))
- [3. <https://www.lex.uz/docs/-4646908>](https://www.lex.uz/docs/-4646908)
- [4. <https://lex.uz/ru/docs/-4333062>](https://lex.uz/ru/docs/-4333062)
- [5. <https://lex.uz/ru/docs/-5044711>](https://lex.uz/ru/docs/-5044711)
6. Кузьмина О.С. Особенности организации подготовки педагогов к работе в условиях инклюзивного образования // В мире научных открытий. – Красноярск: Научно-инновационный центр (Проблемы науки и образования). – 2013. – № 11.8.
7. Маркова А.К. Психология профессионализма. – М.: Издательство: Международный гуманитарный фонд «Знание», 1996.
8. Бородина О.С. Формирование инклюзивной компетентности будущего учителя основ здоровья // Профессиональное образование в России и за рубежом. – 2014. – № 1 (13).
9. Козырева О.А. Изменения в структуре профессиональной компетентности педагога в условиях перехода к инклюзивному образованию // Сибирский вестник специального образования. – 2017.